

Икки нур соҳиби



13:43 / 12.10.2025 1247

???? ?????? ?????? ?????? ???????: ?????? ??????????????
????????? ?????? ?????????????? ?????????????? ?????????? ??????????
????????? ?????????? ?????????????? ?????????????????? ??????????????
????????????? ??????????: ?????????? ?????????? ??????????????????
????????????? ?????????? ?????????????????? ??????????????????????
????????????? ?????????????????? ?????????? ??????????????????.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр, Умар ва Усмон билан
Уҳуд тоғига чиқдилар. Шунда у силкинди. У зот:

«Эй Уҳуд, собит тур! Устингда набий, сиддиқ ва икки шаҳид турибди!» дедилар».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Шарҳ: Икки шаҳиднинг бири Умар розияллоҳу анҳу бўлсалар, иккинчиси ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу эдилар. Бу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари ва ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг шаҳид бўлишдек олий мақомларининг баёни эди.

???? ????????? ??????? ?????? ?????????? ??????????:

????? ?????????? ??????? ?????????? ??????? ?????????????

????????????? ?????????????????? ??? ?????????? ?????????????? ??????

????????????????? ?????? ?????????????????? ?????????????????????? ???????

????????? ?????????????? ?????? ?????????? ??????? ?????????? ??????????????

????????????????????? ??????? ?????????????????????? ?????????? ??????????????

????? ?????????? ?????????????? ?????????????????????? ???????

????????????????????? ?????????????????? ?????????????? ?????????????? ???????

????????? ??????? ?????????????? ?????????????????? ??????????????

????????????????? (??????? ??????????????: ??????? ?????????????? ??????????)

??? ?????????? ??????????????) ?????????????? ??????????????????????

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг уйимда икки сонлари ёки болдирлари очик ҳолда ёнбошлаб ётган эдилар. Бас, Абу Бакр изн сўради. Унга изн берилди. У зот эса ҳалиги ҳолатда у билан гаплашдилар. Сўнгра Умар изн сўради. Унга ҳам изн берилди. У зот яна ҳалиги ҳолатда у билан ҳам гаплашдилар. Сўнгра Усмон изн сўради. У зот ўтирдилар ва кийимларини тўғриладилар. (Муҳаммад (ровийлардан бири): «Бу бир кун бўлди, холос» демайман», деди). У кириб, гаплашди. Сўнгра чиқиб кетганида Оиша:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Абу Бакр кирган эди, унча ёзилмадингиз ҳам, эҳтимом ҳам бермадингиз. Сўнгра Умар кирган эди, унча ёзилмадингиз ҳам, эҳтимом ҳам бермадингиз. Усмон кирганда эса ўтириб, кийимларингизни тўғриладингиз?!» деди.

«Фаришталар ҳаё қиладиган одамдан мен ҳаё қилмас эканманми?!» дедилар у зот.

Бошқа бир ривоятда:

«Албатта, Усмон ўта ҳаёли одам. Агар мен ўша ҳолатда унга изн берсам, менга ҳожатини етказа олмасмикан, деб қўрқдим»,
деганлар.

Иккисини Муслим ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган фазл ҳар қандай инсонга ҳар қандай замонда ва маконда кифоя қилади. Бундан бошқасини ахтармаса ҳам бўлади.

Эҳтимол, **«Фаришталар ҳаё қиладиган одамдан мен ҳаё қилмас эканманми?!»** деган сўзлар нафақат охирги умматнинг охирги Пайғамбари томонидан, балки дунё тарихида барча ўтган умматларнинг барча пайғамбарлари томонидан ҳам ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан бошқа ҳеч кимга айтилмаган бўлса керак.

Ҳа, сиз билан биз ҳаётларини, шахсларини ўрганмоқчи бўлиб турган зот ана шундай одамдир. Муҳаммад умматининг ичидан чиққан, унинг олдида Аллоҳнинг фаришталари ҳам ҳаё қилган бир зотдир.

Қаҳрамонимиз Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг мазкур сифатлари у кишига берилган сифатлар ичида дунё тарихида ёлғиз у кишига хос бўлган икки сифатнинг биридир.

«Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг бошқаларга насиб этмаган яна бошқа сифатлари ҳам борми?» дейсизми? Ҳа, бор. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу дунё тарихида Пайғамбарнинг икки қизига уйланиш бахтига муяссар бўлган ягона шахсдир. У киши аввал Сарвари олам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Руқайя розияллоҳу анҳога, у нуридийдалари вафот этганларидан кейин эса у зотнинг бошқа қизлари, яъни Умму Кулсум розияллоҳу анҳога уйланганлар. Айнан шу нарса, яъни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки қизларига уйланганлари

учун ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга «Зуннурайни» («Икки нур соҳиби») лақаби берилган.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 22-жузидан олинди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 10 мартдаги 1801-сонли хулосаси асосида тайёрланди.